

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**541 Тошкент шаҳрида Нагоя университетининг ваколат-
хонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Нагоя университети (Япония)нинг техник ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Тошкент шаҳрида Нагоя университети ваколатхонасини (кейинги ўринларда Ваколатхона деб юритилади) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Япония Ҳукуматининг давлат грантлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини, олий ўқув юртлари талабалари ва битирувчиларини Япония олий ўқув юртларида ўқиш учун танлаш, йўллаш ва ўқишни ташкил этиш Ваколатхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ваколатхона ва унинг чет эллик ходимлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини таъминласин;

Ваколатхона буюртманомалари бўйича Ваколатхонанинг чет эллик ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу қарорнинг мақсад

ва вазифаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасига келатган делегация аъзоларига белгиланган тартибда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ваколатхона учун Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 107Б-уйда жойлашган Халқаро бизнес-марказда шартнома асосида жой ажратилишини таъминласин.

5. Ваколатхона фаолиятини молиялаштириш Нагоя университети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 декабрь,
313-сон